«Тасдиқлайман»
«Энергомахсусавто» МЧЖ
Бош мухандис
Эргашев С.О
________________
2022 йил ___07. 11___

“Энергомахсусавто” МЧЖ корхонасига тегишли махсус техникага хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун корхона танлаш бўйича

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

## 1. Умумий маълумотлар

1.1 Буюртмачи “Энергомахсусавто” МЧЖ

| | |
|---|---|
| Ташкилий –хуқуқий шакли: | Масъулияти чекланган жамият |
| Манзил: | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Богистон -28 |
| Корхона рахбари: | А.А Исамухамедов |

1.2 “Энергомахсусавто” МЧЖ тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3 Танловнинг максимал қиймати 1 330 000 000 сўмни ташкил этиб, танлов таклифида кўрсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак.

## 2.Танлов мақсади.

2.1. “Энергомахсусавто” масъулияти чекланган жамиятига тегишли махсус техникага хизмат кўрсатиш ва ўз хисобидан таъмирлаш учун корхона танлаш. Носоз холга келган махсус техника буюртмачи томонидан бажарувчига жўнатилади ёки буюртмачи худудида таъмирланади. Бажарилиши лозим бўлган ишлар рўйхати иловада кўрсатилган.

## 3. Танлов иштирокчилари.

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари хам иштирок этиши мумкин. 4.4. – бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари мустасно.

## 4. Ижрочига бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга, зарур холларда жойига чиқиб хизмат кўрсата олиши ва малакали мутахассислари бўлиши лозим.

4.2. Ижрочи бажарган ишлари қонун доирасида бажариши бўйича кафолат бериши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов хужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги хужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

-Буюртмачининг талабига кўра ишдан кейинги вақтларда тузатиш ишларини амалга ошириш.

-Ташкилот ҳақида умумий маълумот.

-Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома.

-Мутахассислар малакаси тўғрисида тегишли хужжат.

-Махсус автомашинага хизмат кўрсатиш учун махсус жойи мавжудлиги.

-Бажарилган ишига кафолат камида 6 ой.

-Куну тун хизмат кўрсатиши.

-Қўшимча хизматлар мавжудлиги.

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;

-инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида киритилган;

-солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;

4.5. Иштирокчини қуйидаги холларда танловдан четлаштирилади:

-иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасига ўз фойдасига хал қилиниши учун таъсир ўтказувчи харакатларни амалга оширлганда.

-иштирокчининг қонунчлика зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

4.6. Буюртма шартнома имзоланиб, олдиндан 15% тўлов ўтказилиб берилгандан сўнг 1 кун ичида тўлиқ ижро қилиниши лозим.

## 5. Бошқа шартлар

5.1. Тўлов шартлари: шартнома имзолангандан сўнг 5 банк куни ичида 15% олдиндан тўлов, қолган 85% ни шартнома шартлари тўлиқ бажарилгандан кейин 6 ой ичида амалга оширилади.